

**Нефт махсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
ШАРТНОМА**

“19” Июль 2022 й.

№ 33

Жиззах шаҳри

“Махсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Жиззах нефт базаси” маъсулияти чекланган жамияти номидан унга 2022 йил 05 январда берилган 01-сонли ишончнома асосида феолият юригувчи Маркетинг ва Сотиш бўйича Директор ўринбосари в.в.б., Э.Мухитдинов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Маззагон шаҳридаги Президент мактаби номидан Изоғил асосида иш бериувчи А.Ахмуратов иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Махсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва микдордаги нефт махсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса нефт махсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефт махсулотлари микдори, баҳоси ва муддатлари куйидаги жадвалда белгилаб кўйилади.

Махсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи (кўшимча қиймат солиғи билан)	Микдори	Суммаси	Етказиб бериш даври
<u>Бензин Аи-81</u>	<u>л/тнр</u>		<u>53т.</u>	<u>4994100</u>	
<u>Дизел</u>	<u>л/тнр</u>		<u>27т.</u>	<u>2466100</u>	
<u>МО-ел</u>				<u>7460200</u>	

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт махсулотлари учун олдиндан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефт махсулотлари етказиб берилади.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт махсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт махсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт махсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда махсулотни топшириш ва қабул қилиш “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Махсулот “Махсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вақили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана “Махсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида сизини “Ҳавфли юкларни ташиш қондалари”га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт махсулотлари кўйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кейтиши учун “Махсулот етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт махсулотлари “Истеъмолчи”га унинг вақили кузатувида “Махсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосизним копкоғи ГОСТ 1510 асосида “Истеъмолчи”

вақилининг талабига мувофиқ тамғаланади. Махсулотни топшириш ва қабул қилиш “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Товар-транспорт нақлиёти расмийлаштирилган сана “Махсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.4. Нефт махсулотлари “Махсулот етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёниги тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишончномасига мувофиқ махсулотни ёкиги тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вақили томонидан ёниги тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш арақасига юрилади. “Истеъмолчи” вақилига берилган махсулот микдори тарқатиш арақасига киритиш бориллади. Тарқатиш арақасида “Истеъмолчи”нинг вақилининг махсулотни микдоран тўлиқ олашчилиги тўғрисида имзо кўйилган сана, «Махсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. «Харидор»нинг вақили нефт махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади. Махсулот юкланган автотранспорт воситаси «Харидор» вақили кузатувида “Махсулот етказиб берувчи”нинг нефт омбори ҳудудидан чиқарилгандан сўнг махсулот микдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва махсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зىён етиш ҳақи «Харидор» зиммасига ўтади. «Харидор» вақили кузатувида олиб кетилган махсулот микдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 7460200 сўмни ташкил қилади.
-тўловлар куйидаги манбалардан амалга оширилади:

Бюджет маблағлари ҳисобидан 7460200 сўм.
Махсус ҳисоб рақамдан _____ сўм.

3.2. Ушбу шартнома махсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.3. Бюджет ташкилотларига, пахта хомашеси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, маиший чиқиндиларни тўplash ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭЖО маркази дизел ёқилгиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига кўра шакланган ўртача биржа нархларида сотилади.

3.4. Ушбу шартноманинг 3.3. бандида назарда тутилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошқа истеъмолчиларга махсулот етказиб берилиши санасида нефт базанда шакланган сотиш нарҳида махсулот етказиб берилади.

3.5. “Истеъмолчи” нефт махсулотларининг харид қилинадиган партияси учун ҳақини олдиндан 100 фоиз микдорда «Махсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олдиндан тўлов пул кўчирши йўли билан амалга оширилади. Пул маблағи “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига келиб тушган махсулот етказиб берилади.

3.6. Мазкур шартномада шартнома тузулиши жараёнида ва санасида амалда бўлган нархи қўлланилган бўлиб, ўзаро ҳисоб китоблар махсулотни “Истеъмолчи”га етказиб берилиши санасида амалда бўлган нархларда амалга оширилади.

3.7. Хар ойнинг якуни бўйича ўзаро ҳисоб китобларни таққослаш учун “Истеъмолчи” вақилини “Махсулот етказиб берувчи”нинг ҳузурига юборади. Якуний ҳисоб китоблар учун счет-фактура асос бўлади.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

4.1. «Махсулот етказиб берувчи» «Харидор» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт махсулотларининг сифати оид маълумотлар махсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортни кайд этилади. Махсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

4.2. Нефт махсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб лиш ҳуқуқига эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган нефт махсулотларининг сифати, ассортиментти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Махсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт махсулотларийқийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

5.2. Нефт махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда Махсулот етказиб берувчи «Истеъмолчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенининг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт махсулотларийқийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефт махсулотларини танлаб олмастик, шунингдек етказиб берилган нефт махсулотларини мудатда (даврд) уларни етказиб берганда махсулотни олишни асосан ишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» махсулот етказиб берувчи га танлаб олинмаган (ўз мудатиде олинмаган) махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдориде жарима тўлайди. Махсулотлар танлаб олинмаган лий асосан рад этилган) ҳолларда, «Махсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу махсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз мудатиде олинмаган) махсулотлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Етказиб берилган нефт махсулотларичун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Истеъмолчи» «Махсулот казиб берувчи»га мудатте кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи иқдориде пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ўқужий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари илан тартибга солинад.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни бўдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига ўвофик:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вақиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган қи улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вақилларига, отенциал ёки мавжуд миқдорларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон омонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга («Иштирокчи Томонлар») оддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар андай тўлов шакли, совгалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай йимат кўринишида)) бермаслиқни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмаслиқни, ермаслиқни кафолатлайди ва шунга мажбур.

- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган иёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШИ

6.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зиғзила, кўчки, зўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки иқтимоий-иқтисодий ҳолатлар (руш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартномаларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларини бажариш имконини бермайдиган фавқуллодда, олдини олиб ўймайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг

қабул қилинганлиги тўғрисида баҳармаганлиги ёки лозим даражада баҳармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тутати тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуриде ташқил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судга ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Узоги билан бир ойлик мудат ичиде эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар қойлашган жойдаги иқтисодий судга ҳал қилинади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

6.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликке Молия вазириликке, газначилиги, газначилик бошқармаси (булимиде) қайд этилиши шарт бўлса, газначилиқда рўйхатлан ўтказилган санадан юридик кучга қиради ва 2022 йил 31 декабр қунининг якунига қадар амалда бўлади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини қилдий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги тўғрисида бир томонлама «Махсулот етказиб берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

7.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда қилрилади.

7.3. Шартнома икки нусхадда тўзилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иқкала нусхалари ҳам тенг юридик кучга эгадир.

8. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реқвизитлари ва имзолари:

«Махсулот етказиб берувчи»

«Жиззах нефт база» МЧЖ

Жиззах шаҳри «А» Саноят ҳудуди.

х/р: 22604000500491356701

АТБ «Узсаноятқурилишбанк»

Тошкент шаҳар Яшнабод филиали,

МФО: 00432, ИИН: 200343224

МУ

Бухгалтер: *(имзо)* Э. Мухитдинов

(МУҚР, ИМЗО)

МУ

Бухгалтер:

Сотиш бўлими:

Юридик хизмат

«Истеъмолчи»

Манзили: *(имзо)*

Тел. рақами: 72 212 55 19

Х/с: 100010860084010202300347002

(ҳизмат кўрсатувчи банк номи)

ИДР: 00014

ИМЗО: *(имзо)* А. Аксеров

МУ

Бухгалтер:

Сотиш бўлими:

Юридик хизмат

